

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИ
2015 йил январь-декабрь

ФАРҒОНА – 2016 й.

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий
кўрсаткичлар**

	Ўлчов бирлиги	2015 йил январь-декабрь	2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз хисобида
Ялли ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	11278,9	108,0
Саноат маҳсулоти	млрд. сўм	6712,1	105,8/112,7*
Истеъмол товарлари	млрд. сўм	2424,3	113,1
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	млрд. сўм	3528,3	107,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд. сўм	2072,7	95,8
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	1732,2	113,0
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ доллари	1267,0	127,1
Экспорт	млн. АҚШ доллари	465,6	101,5
Импорт	млн. АҚШ доллари	801,4	148,9
Юк айланмаси	млн. тн-км	3810,0	106,5
Йўловчи айланмаси	млн. йўловчи-км	9456,7	110,1
Жами хизматлар	млрд.сўм	5606,5	118,3
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	6037,6	114,6
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	2550,1	112,4

* Фарғона НКИЗ сиз

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

2015 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) номинал қиймати 11278,9 млрд. сўмда баҳоланди. Унинг реал ҳажми ўсиш суръатлари 2014 йил январь-декабрга нисбатан 108,0 фоизни ташкил қилди.

ЯҲМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида		2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2014 йил январь-декабрь	2015 йил январь-декабрь	
Жами	100	100	108,0
шу жумладан:			
саноат	20,0	19,2	103,5
қишлоқ хўжалиги	18,6	18,6	107,0
қурилиш	7,2	7,8	113,0
транспорт ва алоқа	11,8	11,8	107,6
савдо ва умумий овқатланиш	9,0	9,3	110,8
Бошқалар	23,5	24,9	110,6
маҳсулотлар ва экспорт- импорт операцияларига соф солиқлар	9,9	8,4	106,5

ЯҲМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби:
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 63,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2014 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 1,1 фоизли пунктга кўп бўлди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларсиз) 23889 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 23083 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 96,6 фоизи) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 25,2 фоизи), саноат (20,1 фоизи), бошқа ноишлаб чиқариш (12,4 фоиз), таълим (9,0 фоиз), қурилиш (8,5 фоизи), ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари (7,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами *	23889	100	23083	100
шу жумладан:				
саноат	4813	20,1	4653	20,2
қишлоқ хўжалиги	1442	6,0	1391	6,0
қурилиш	2025	8,5	1959	8,5
транспорт ва алоқа	1187	5,0	1142	4,9
савдо ва умумий овқатланиш	6031	25,2	5785	25,1
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	1851	7,7	1768	7,7
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	358	1,6	347	1,4
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	1078	4,5	1070	4,6


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	2147	9,0	2137	9,3
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	2957	12,4	2831	12,3

*) Дехкон ва фермер хўжаликларсиз

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,9 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 60,6 фоизи фермер ва дехкон хўжаликлари, 17,4 фоизи хусусий корхоналар, 0,3 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 14,5 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

2016 йил 1 январь ҳолатига;
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2015 йил январь-декабрь жами 3542 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисми Фарғона шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 17,6 фоизи), Қўқон шаҳар (10,9 фоиз), Марғилон шаҳар (8,0 фоиз), Кува тумани (10,0), Учкўприк тумани (5,4 фоиз), Ўзбекистон тумани (5,2 фоиз), Риштон тумани (5,0 фоиз) га тўғри келди.

2015 йил январь-декабрда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 18775 тани ташкил қилди.

2015 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 63,2 фоиз (2014 йил январь-декабрда 62,1 фоиз) ни ташкил қилди.

Иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 80,2 фоизи (1191,5 минг киши) кичик бизнес секторига тўғри келди. Банд бўлганларнинг 76,1 фоизи (907,4 минг киши) хусусий сектор ҳамда 23,8 фоизи (284,1 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 120,0 фоизга ўсди ва 2569,7 млрд. сўми (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 39,2 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 7,0 фоизга ўсиб, 3415,4 млрд. сўми (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 96,8 фоизи) ташкил қилди.

Вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 39,1 фоизини кичик бизнес субъектлари томонидан киритилган инвестициялар ташкил қилди, қурилиш ишларининг 90,1 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.


Кичик бизнес субъектларининг автомобил транспортида юк айланмаси 9,2 фоизга ўсди ва вилоят автомобил транспорти юк айланмасининг 85,8 фоизини, йўловчи айланмаси эса 11,2 фоизга ўсиб, умумий йўловчи айланмасининг 90,5 фоизини ташкил этди.

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 90,0 фоизи ёки 5434,3 млрд. сўми (ўсиш 117,0 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 55,0 фоизи ёки 1402,6 млрд. сўми (27,1 фоизга ўсган) кичик тадбиркорликда шаклланди.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 37,9 фоизини ташкил қилди. Жорий йилда 225,2 млн. АҚШ доллари ёки экспорт умумий ҳажмидан 48,4 фоизи миқдорида маҳсулот Экспорти ва 255,3 млн. АҚШ доллари ёки умумий импортнинг 31,9 фоизи миқдорида маҳсулот импорти кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилди.

Иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Хусусий тадбиркорлик кичик бизнеснинг асосий қисмини ташкил қилади. 2015 йил январь-декабрда кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	Хусусий тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	1418,9	55,2
Қишлоқ хўжалиги	2274,9	66,6
Қурилиш	668,0	38,6
Чакана савдо	3537,6	58,6
Пулли хизмат	1179,7	84,2
Юк ташиш, млн. тн	46,3	58,6
Йўловчи ташиш, млн. киши	544,9	88,9

Ташқи иқтисодий алоқалар


Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2015 йил январь-декабрда 1267,0 млн. АҚШ долларни, шу жумладан экспорт 465,5 млн. АҚШ долларни, импорт 801,4 млн. АҚШ долларни ташкил қилди.

Вилоят ташқи савдо айланмаси қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

	январь-декабрь		2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2014 й.	2015 й.	
Ташқи савдо айланмаси	996,9	1267,0	127,1
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатлари	471,3	438,9	93,1
бошқа хориж мамлакатлари	525,6	828,1	157,5

	январь-декабрь		2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз хисобида
	2014 й.	2015 й.	
Экспорт	458,8	465,5	101,5
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	178,4	159,2	89,0
бошқа хориж мамлакатлари	280,4	306,3	109
Импорт	538,1	801,4	148,9
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	292,9	279,7	95,5
бошқа хориж мамлакатлари	245,2	521,7	212,7

Ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши қуйидагича ифодаланади:




Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар динамикаси

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2014 йил январь- декабрь	2015 йил январь- декабрь	2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100	100	101,5
пахта толаси	2,0	1,0	53,1
озик-овқат маҳсулотлари	7,2	18,3	256,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	14,8	10,3	70,7
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	9,3	2,5	26,8
қора ва рангли металллар	0,1	0,1	77,1
машина ва ускуналар	1,1	0,2	14,5
хизматлар	13,7	20,3	150,5
бошқалар	51,8	47,3	92,9
Импорт таркиби	100	100	148,9
озик-овқат маҳсулотлари	8,4	6,2	
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	10,1	8,7	128,8
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	29,9	18,4	91,6
қора ва рангли металллар	10,8	7,1	98,2
машина ва ускуналар	27,3	51,1	279,3
хизматлар	3,2	2,8	131,7
бошқалар	10,3	5,7	80,8

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

Давлат	Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Қозигистон	3,8	27,9
Россия	23,2	161,2
Хитой	18,1	159,1
Туркия	2,2	38,6
Латвия	0,5	47,3
Корея	9,2	237,3
Украина	1,5	121,0
БАА	0,3	63,6
Туркманистон	0,6	42,9

	Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз хисобида	2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз хисобида
Япония	6,8	955,3
Германия	1,0	70,1
Малайзия	0,5	197,4
Португалия	1,2	111,9
Сингапур	0,4	54,9
Полша	2,2	99,5
Афғанистон	6,0	516,6
Қирғизистон	3,3	50,1
Эрон	0,5	87,2
Буюк британия	0,3	62,9

Ҳисобот даврида Фарғона вилояти жаҳоннинг 83 дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 45 мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди.

Саноат

2015 йил январь-декабрда саноат маҳсулоти ҳажми 6712,7 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,8 фоизни ташкил этди.


Ҳисобот даврида 2424,3 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2014 йил январь-декабрга нисбатан 113,1 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1187,4 млрд.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 1211,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ва 25,5 млрд. сўмлик вино-ароқ маҳсулотлари (2014 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 112,1 фоиз, 114,0 фоиз ва 104,1 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2015 йил январь-декабрда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2014 йил январ-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Маҳсулот ишлаб чиқариш	6712,1	105,8
шу жумладан:		
ёқилғи	1399,9	87,5
қора металлургия	7,5	140,8
рангли металлургия	1,5	122,1
кимё ва нефт-кимё	639,7	115,6
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	271,9	92,5
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз	94,4	146,2
қурилиш материаллари	575,9	114,2
енгил саноат	1799,1	117,7
озиқ-овқат саноати	1084,7	114,8
саноатнинг бошқа тармоқлари	837,5	112,4
Истеъмол товарлари	2424,3	113,1
шу жумладан:		
озиқ-овқат маҳсулотлари	1187,4	112,1
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	1211,4	114,0
ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво	25,5	115,9

Тармоқлар бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Саноат тармоқлари бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик саноат корхоналар бўйича)

	2015 йил январь-декабрь	2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ёқилғи –энергетика саноати		
Иссиқлик энергияси, млн.гкал	872,9	78,5
Кимё ва нефт-кимё саноати		
Сунъий аммиак, минг тн.	418,0	107,7
Минерал ўғит, минг тн.	10,5	111,3

	2015 йил январь-декабрь	2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз хисобида
--	----------------------------	--

Қурилиш материаллари саноати

Цемент, тн.	977114	94,0
Шифер, тн.	80192	108,4
Йиғма темирбетон конструкциялари ва деталлар, тн.	12589	98,3

Енгил саноат

Пахта толаси, тн.	73816	103,2
Чигит, тн.	114985	103,8
Пахта линти, тн.	5653	105,6
Газлама – жами, млн.кв.м.	44017	70,4
Трикотаж маҳсулотлари, минг дона	2391	87,7
Хўжалик совуни, минг. тн.	2198	87,9

Озиқ-овқат саноати

Нон ва нон маҳсулотлари, тн.	4736	88,2
Ўсимлик ёғи, тн.	38878	104,0
Макарон маҳсулотлари, тн.	10646	78,1
Ароқ ва ароқ-ликёр маҳсулотлари, минг литр	1477	108,0
Вино, минг литр	1850	98,2

Қишлоқ хўжалиги


2015 йилнинг январь-декабрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 3528,3 млрд. сўмни ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 107,0 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 2231,0 млрд. сўмни (2014 йил январь-декабрига нисбатан 107,2 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 1297,3 млрд. сўмни (106,7 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 63,2 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 36,8 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши куйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Дехқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 289638 гектарни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 124353 гектар, жами техника экинлари майдони 100232, шундан пахта экин майдони 100138 гектар, картошка 9675 гектар, сабзавот экинлари 19412 гектар, полиз экинлари 2527 гектар, озуқа экинлари 30367 гектар, мева ва резаворлар майдонлари 47652 гектарни, токзорлар майдони 6098 гектарни ташкил қилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 791118 тонна жами дон (100,1 фоизга кўп) 755182 тонна бошоқли дон (99,6 фоизни ташкил этади), шундан буғдой 754032 тонна (99,7 фоизни ташкил этади), маккажўхори дон учун 25823 тонна (110,6 фоизга кўп), 276684 тонна картошка (109,8 фоизга кўп), 783067 тонна сабзавот (110,0 фоизга кўп) йиғиб олинди, 71054 тонна полиз (110,6 фоизга кўп), 414278 тонна мева (110,2 фоизга кўп), 113447 тонна узум (109,5 фоизга кўп) етиштирилди.


Чорвачилик. 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,3 фоизга (жами 969,4 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 102,9 фоизга (356,6 минг бош), кўй ва эчкилар 101,3 фоизга (811,5 минг бош), отлар 101,2 фоизга (жами 8553 бош), паррандалар 109,9 фоизга (4000,4 минг бош) га кўпайди.

2015 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда 138,9 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 106,5 фоизга кўп), 854,5 минг тонна сут (106,5 фоизга кўп), 305,7 млн. дона тухум (114,2 фоизга кўп), 1285 тонна жун

(106,7 фоизга кўп), пилла 2731,9 тонна (105,0 фоизга кўп), асал 1005 тонна (111,2 фоизга кўп), балиқ 4025 тонна (115,5 фоизга кўп) маҳсулотлар етиштирилди.

Барча хуудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,3 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 85,7 фоизни ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби куйидагича ифодаланди:
ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. Фермер хўжалиқларига бириктирилган умумий қишлоқ хўжалиги ер майдони 339291 гектарни ташкил этиб, ҳар бир хўжаликка ўрта ҳисобда 32,6 гектардан тўғри келди.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжалиқларида 42,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 14 минг бош сигир, 40,1 минг бош қўй ва эчкилар, 1013 бош отлар, 500,7 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2014 йилнинг январь-декабрига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 102,9 фоизни, қўй ва эчкилар 105,0 фоизни, отлар 100,2 фоизни, паррандалар 100,3 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликларига асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	январь-декабрь				2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2014 й.		2015 й.		
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Жами дон	656,4	83,1	660,0	83,4	100,5
шундан:					
бошоқли дон	647,5	85,4	649,8	86,0	100,4
Картошка	56,7	22,5	57,2	20,7	101,0
Сабзавот	135,5	19,0	151,4	19,3	111,8
Мева ва резаворлар	39,4	61,4	42,3	59,5	107,2
Узум	16,9	16,3	17,8	15,7	105,5
Гўшт, тирик вазнда	5,0	3,8	5,3	3,8	106,2
Сут	33,2	4,1	35,3	4,1	106,4
Тухум, минг.дона	37,5	14,0	42,7	14,0	114,1
Жун, тонна	0,1	5,3	0,1	5,2	104,7

Инвестициялар ва қурилиш

2015 йил январь-декабрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2072,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди, ўсиш суръати 95,8 фоизни ташкил қилди.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

(яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)

	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича					
	Жами инвестициялар, млрд. сўм	республика бюджетлари	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари
Жами	2072,7	9,6	58,6	8,3	16,9	6,6
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:						
давлат	529,3	9,6	-	-	16,9	-
нодавлат	1543,4	-	58,6	8,3	-	6,6

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестицияларни ўзлаштириш қуйидаги маълумотларда ифодаланади:

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Иқтисодиёт тармоқларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобига асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидаги кўринишда:

	2015 йил январь-декабрь		Маълумот учун: 2014 йил январь-декабрь умумий ҳажмга нисбатан фоизда
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
Асосий капиталга киритилган инвестициялар - жами	2072,7	100	96,3
Ишлаб чиқариш тармоқлари	1036,9	50,0	101,3
Саноат	366,9	17,7	104,0
шу жумладан:			
-ёқилғи-энергетика	0,078	-	49,1
-металлургия	0,5	-	-
-киме ва нефт-кимё саноати	67,4	3,3	140,7
-машинасозлик	15	0,7	116,6
-енгил саноат	165,1	8,0	123,9
-озик-овқат саноати	35,3	1,7	150,3
-қурилиш материаллари	45,8	2,2	98,8
-бошқалар			56,2
Қишлоқ хўжалиги	201,3	9,7	3 м
Транспорт ва алоқа	105,5	5,1	91,3
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	363,2	17,5	56,2
Ноишлаб тармоқлари	1035,8	50,0	40,0
Уй-жой қурилиш	658,1	31,8	99,6
Коммунал хўжалик	119,3	5,8	71,7
Соғлиқни сақлаш	66,6	3,2	70,3
Таълим	81,9	4,0	138,3
Маданият ва санъат	53,9	2,6	26,0
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	56,0	2,6	133,4

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмидан 1036,9 млрд. сўми ёки 50,0 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, ноишлаб чиқариш тармоқларига 1035,8 млрд. сўм ёки 50,0 фоизи йўналтирилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 1035,8 млрд. сўми ёки 50,0 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2015 йил январь-декабрида умумий майдони 958,4 минг кв.м. бўлган 6658 та хонадон (2014 йил январь-декабрга нисбатан 100,3 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 770,0 минг кв.м. (100,8 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Давлат бюджети ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда умумтаълим мактабларига спорт заллар қуриш ва реконструкция ишлари учун 40,5 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,9 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 49,4 фоизини ташкил қилди.

Касб-ҳунар коллежларини реконструкция қилиш ишларида 3,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,3 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 3,9 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун 20,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,0 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 31,2 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 340,8 км узунликдаги ичимлик суви, 67,8 км узунликдаги газ тармоқлари фойдаланишга топширилди, бу 2014 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 79,1 фоизни ва 68,1 фоизни ташкил қилди. Фойдаланишга топширилган ичимлик суви тармоқларининг 53,5 фоизи ва газ тармоқларининг 84,3 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 7,6 млрд. сўм ва шу сумманинг барчаси аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келади, газ тармоқлари қурилишига эса аҳоли маблағлари ҳисобига 1,7 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2015 йил январь-декабрда 1732,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 113,0 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,7 фоизи турар жой ва нотурар жой бино ва иншоотларини барпо қилиш бўйича қурилиш ишлари, 8,7 фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари, 24,6 фоизи Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ва 76,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1657,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 95,7 фоизни (2015 йил январь-декабрга нисбатан 1,2 фоизга кўпайган) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2015 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 110,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбата 5,3 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 3840,0 млн.тн-км.ни ташкил қилди ва 6,5 фоизга камайган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2015 йил январь-декабрь	2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн.	110,2	105,3
шу жумладан:		
автомобил транспортида	101,7	105,6
Юк айланмаси, млн. тн-км	3810,0	106,5
шу жумладан:		
автомобил транспортида	3170,7	107,9

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2014 йил январь-декабрга нисбатан 107,8 фоизга кўпайди ва 2363,7 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 74,5 фоизни ташкил этди (2014 йил январь-декабрда 74,6 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2015 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 671,5 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,1 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 110,1 фоизга кўпайиб, 9456,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2015 йил январь-декабрь	2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	671,5	106,1
автомобил транспортида	670,3	106,1
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	9456,7	110,1
автомобил транспортида	9389,5	110,0

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2014 йил январь-декабрга нисбатан 110,9 фоизга кўпайди ва 7615,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 81,1 фоизни ташкил этди (2014 йил январь-декабрда 80,5 фоиз).

Товарлар ва хизматлар бозори

2015 йил январь-декабрда чакана товар айланмаси 6037,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,6 фоизга ўсди.

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 73,6 млрд. сўмга етди ёки 2014 йил январь-декабрга нисбатан 58,8 фоизга ўсди.

Аҳолига кўрсатилган **пулли хизматлар ҳажми** 2550,2 млрд. сўмни, унинг реал ўсиши эса 2014 йил январь-декабрга нисбатан 112,4 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пулли хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (53,0 фоиз), бу секторда хизматлар ҳажми амалдаги нархларда 1370,5 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 111,2 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 113,9 фоизга ўсиб, 1179,7 млрд. сўмни, пулли хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 46,3 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пулли хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 85,8 фоизни ташкил қилди (2014 йил январь-декабрда 90,8 фоизни ташкил этган).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида	Маълумот учун: 2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	2550,2	100,0	112,4
давлат мулки	362,3	14,2	167,1
нодавлат мулки	2187,9	85,8	102,6
шундан:			
фуқароларнинг хусусий мулки	1179,7	84,2	113,9

Пулли хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 12,8 фоизни ёки 327,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ҳажми 2014 йил январь-декабрга нисбатан 118,3 фоизга ошди. Маиший хизматларнинг 79,8 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми дастлабки баҳоланганда 261,1 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 119,2 фоизни ташкил қилди.

2015 йил январь-декабрда **иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми** 5606,5 млрд. сўмни, 2014 йил январь-декабрга нисбатан реал ўсиш 118,3 фоизга тўғри келди.

2015 йил январь-декабрда хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича (амалдаги нархларда) қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Хизматлар-жами	5606,5	118,3	100,0
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	391,9	112,6	7,0
Компьютер дастурлари билан боғлиқ хизматлар	4,4	118,4	0,1
Молиявий хизматлар	409,5	121,6	7,3
Транспорт хизматлари	889,5	116,1	15,9
Қурилиш хизматлари	425,1	114,9	7,6
Технологик қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар	89,7	109,1	1,6
Қишлоқ хўжалиги техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар	5,2	124,4	0,1
Сайёҳлик хизматлари (меҳмонхона хизматларини қўшган ҳолда)	18,2	114,1	0,3
Савдо ва умумовқатланиш хизматлари	1477,3	119,9	26,3
Маиший хизматлар	332,2	118,2	5,9
Таълим соҳасидаги хизматлар	218,4	112,2	3,9
Соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлар	122,1	140,5	2,2
Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар	43,3	117,9	0,8
Бошқа хизматлари	1179,7	120,0	21,0

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3505,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 60,1 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ўсиши 51,7 минг кишини ташкил этди.

2015 йил январь-декабрда миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -0,5 минг кишини ташкил қилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2015 йил январь-декабрда қуйидагича ифодаланади:

	минг киши			ҳар 1000 кишига	
	2014 й.	2015 й. *)	ўсиш, камайиш (-)	2014 й.	2015 й. **)
Туғилганлар	76,7	79,3	2,6	22,5	22,8
Ўлганлар	17,3	17,6	0,3	5,1	5,1
шу жумладан бир ёш- гача болалар	0,7	0,7	0,0	9,6	9,0
Табиий ўсиш	59,4	61,7	2,3	17,4	17,7
Никоҳлар	32,6	30,9	-1,7	9,5	8,9
Ажралишлар	3,0	3,1	0,1	0,9	0,9

2015 йил январь-декабрда туғилганлар сони 79,3 минг кишини ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 минг киши ёки 3,3 фоизга кўпайди, туғилиш коэффициенти 22,8 промилледан 0 ,3 промиллига кўпайди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг деярли барча ҳудудларида қайд этилди. Бу кўрсаткичнинг юқори даражаси Марғилон, Қувасой (22,0 дан 21,0 промиллега), Қўқон, (21,0 дан 20,0 промиллега), Фарғона (18,0 дан 17,0 промиллега) шаҳарларида, Бағдод, Сўх (26,0 дан 25,0 промиллега), Учкўприк, Фарғона, Фурқат, Ёзёвон, Бешарик, Бувайда, Данғара (25,0 дан 24,0 промиллега), Тошлок, Ўзбекистон, Қўштепа, Риштон (24,0 дан 23,0 промиллега), Олтиарик, Қува (22,0 дан 21,0 промиллега) туманларида кузатилди.

2015 йил январь-декабрга нисбатан ўлганлар сони 0,3 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди. Ўлганлар сонининг камайиши Қўқон, Фарғона, (7,0 дан 6,0 промиллега), Марғилон (6,0 дан 5,0 промиллега), Қувасой (5,0 дан 4,0 промиллега) шаҳарларида, Данғара, Ўзбекистон, Фурқат, Учкўприк (6,0 дан 5,0 промиллега), Риштон, Қўштепа, Бувайда, Олтиарик, Бешарик, Қува, Сўх, Тошлок, Бағдод, Фарғона ва Ёзёвон (5,0 дан 4,0 промиллега), туманларида кузатилди.

Энг кўп ўлим ҳоллари Фарғона шаҳрида (6,4 промилле), энг кам ўлим ҳолатлари Бувайда туманида кузатилди (4,2 промилле).

2015 йил январь-декабрда 30,9 минг та никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 3,1 минг тани ташкил қилди. Бу минг аҳолига 8,9 никоҳ ва 0,9 ажралишлар тўғри келмоқда (2014 йил январь-декабрда мос равишда 9,5 ва 0,9).

Меҳнат ресурсларининг сони, дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йил январь-декабрга нисбатан 1,5 фоизга кўпайиб, 1998,3 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,0 фоизини ташкил қилди.

*) Баҳолаш


**) Бир ёшгача боллар ҳар-бир 1000 туғилганларга

2014 йил январь-декабрда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 41042 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Фарғона (3315 кишига), Қўқон (3298 кишига), Марғилон (2460 кишига) шаҳарларида, Фарғона (2494 кишига), Қува (2432 кишига), Олтиарик (2314 кишига) ва Учкўприк (2413 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 40227 нафари (барча мурожаат этганларнинг 98,0 фоизи) ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Қўқон (98,8 фоиз), Фарғона (96,9 фоиз) шаҳарларида, Олтиарик (99,2 фоиз), Бағдод (98,8 фоиз), Фурқат (95,1 фоиз) ва Ёзёвон (97,5 фоиз) туманларида юқори даражада бўлди.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(минг киши)



**ХУДУДЛАР ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ СТАТИСТИК
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(бирлик)

	2016 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган	2015 йил январь-декабрь	
		ташкил топди	туғатилди
Жами	23889	2357	1643
шаҳарлар			
Фарғона ш.	4464	597	294
Қўқон ш.	3411	388	300
Қувасой ш.	608	35	77
Марғилон ш.	2199	285	130
туманлар:			
Олтиарик	906	86	76
Қўштепа	847	50	38
Боғдод	852	75	42
Бешарик	745	51	25
Бувайда	1028	63	133
Данғара	1306	84	54
Қува	912	104	77
Риштон	715	65	71
Сўх	616	31	14
Тошлок	1046	88	49
Ўзбекистон	1097	85	47
Учкўприк	1160	120	48
Фарғона	844	80	96
Фурқат	527	38	23
Ёзёвон	606	32	49

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни
мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)**

(2016 йил 1 январь ҳолатига)

	Жами, бирлик	Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида		
		давлат	нодавлат	шундан хусусий
Жами	23889	16,2	83,8	37,1
шаҳарлар				
Фарғона ш.	4464	9,6	90,4	38,7
Қўқон ш.	3411	7,5	92,5	15,6
Қувасой ш.	608	19,7	80,3	39,1
Марғилон ш.	2199	8,6	91,4	47,7
туманлар:				
Олтиариқ	906	22,7	77,3	40,2
Қўштепа	847	20,5	79,5	49,0
Боғдод	852	24,6	75,4	42,4
Бешариқ	745	29,4	70,6	39,1
Бувайда	1028	19,5	80,5	42,0
Данғара	1306	13,4	86,6	32,5
Қува	912	26,0	74,0	35,5
Риштон	715	32,9	67,1	35,5
Сўх	616	19,5	80,5	60,9
Тошлоқ	1046	16,3	83,7	47,6
Ўзбекистон	1097	21,5	78,5	34,1
Учкўприк	1160	16,2	83,8	35,3
Фарғона	844	27,3	72,7	35,3
Фурқат	527	28,5	71,5	37,8
Ёзёвон	606	22,1	77,9	48,3

Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(бирлик)

	2016 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган	2015 йил январь-декабрь	
		Ташкил топди	Тугатилди
Жами	18775	2260	1580
шаҳарлар			
Фарғона ш.	3595	548	278
Қўқон ш.	2923	373	295
Қувасой ш.	445	34	74
Марғилон ш.	1888	278	128
туманлар:			
Олтиарик	659	85	75
Қўштепа	641	49	36
Боғдод	611	72	39
Бешарик	525	51	23
Бувайда	789	63	127
Данғара	1090	82	51
Кува	636	102	71
Риштон	456	63	67
Сўх	501	27	13
Тошлоқ	834	88	49
Ўзбекистон	855	82	45
Учкўприк	930	117	47
Фарғона	572	78	94
Фурқат	394	37	22
Ёзёвон	431	31	46

**2015 йил январь- ноябрь иқтисодиёт тармоқлари
бўйича корхона ва ташкилотлар фаолиятининг
молиявий натижалари**

	Фойда, зарар (+,-)	
	млн. сўм	2014 йил январь-ноябрга нисбатан фоизда
Жами	406172,2	99,0
шу жумладан:		
Саноат	357498,9	101,2
Транспорт	10239,5	83,8
Алоқа	4,9	94,7
Қурилиш	2026	107,5
Савдо ва умумий овқатланиш	27907,6	82,9
Моддий-техника таъминоти	5482,1	81,5
Уй-жой хўжалиги	-	-
Коммунал хўжалик	111,2	-
Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	-	-
Молия, кредит, суғурта ва нафақа таъминоти	-	-
Бошқа тармоқлар	2902	32,2

**2015 йил январь-ноябрь корхона ва ташкилотлар
фаолиятининг молиявий натижалари**

	Фойда, зарар (+,-), млн. сўм	2014 йил январь-ноябрга нисбатан фоизда
Жами	406172,2	99,0
Шаҳарлар		
Фарғона ш.	237973,8	114,1
Кўқон ш.	23700,5	72,6
Қувасой ш.	124496,7	83,2
Марғилон ш.	3193,9	123,2
туманлар:		
Олтиарик	1153,5	88,3
Кўштепа	827,3	163,3
Боғдод	6704,6	84,0
Бешарик	1245,3	134,0
Бувайда	90,6	126,1
Данғара	784,2	122,2
Қува	572,0	91,6
Риштон	1932,2	167,0
Сўх	180,4	207,7
Тошлоқ	284,8	16,8
Ўзбекистон	623,7	135,7
Учкўприк	56,5	119,6
Фарғона	2229,7	162,9
Фурқат	4,5	139,1
Ёзёвон	118,0	110,2

Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони

(бирлик)

	2016 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган	2015 йил январь-декабрда	
		ташкил топди*)	Тугатилди
Жами	151	21	8
шаҳарлар			
Фарғона ш.	52	10	3
Кўкон ш.	24	2	1
Кувасой ш.	10	-	-
Марғилон ш.	10	1	1
туманлар:			
Олтиариқ	1	-	1
Кўштепа	4	1	-
Боғдод	2	1	-
Бешариқ	4	-	-
Бувайда	6	-	-
Данғара	8	-	-
Қува	2	1	-
Риштон	3	2	1
Сўх	1	-	-
Тошлоқ	7	1	-
Ўзбекистон	3	-	-
Учкўприк	3	1	-
Фарғона	7	1	-
Фурқат	2	-	-
Ёзёвон	2	-	1

*) йил бошидан

Ташқи савдо айланмаси таркиби
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)

	январь-декабрь	
	2014 й.	2015 й.
Ташқи савдо айланмаси	100	100
Экспорт	46,0	36,7
Импорт	54,0	63,3
Экспорт	100	100
пахта толаси	2,0	1,0
озиқ-овқат маҳсулотлари	7,2	18,3
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	14,8	10,2
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	9,3	2,5
қора ва рангли металллар	0,1	0,1
машина ва ускуналар	1,1	0,2
хизматлар	13,7	20,3
бошқалар	51,8	47,4
Импорт	100	100
озиқ-овқат маҳсулотлари	8,4	6,2
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	10,1	8,8
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	29,9	18,4
қора ва рангли металллар	10,8	7,1
машина ва ускуналар	27,3	51,1
хизматлар	3,2	2,8
бошқалар	10,3	5,6

МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси
(минг АҚШ долларида)

	Экспорт		Импорт	
	январь-декабрь		январь-декабрь	
	2014 й.	2015 й.	2014 й.	2015 й.
Жами	178437,5	159248,0	292871,2	279683,7
шаҳарлар				
Фарғона ш.	95465,7	53746,0	189538,7	172560,2
Қўқон ш.	11710,1	13266,4	14993,6	11878,9
Қувасой ш.	2255,4	891,3	15470,4	9092,4
Марғилон ш.	3193,6	13176,1	33,5	2137,9
туманлар:				
Олтиариқ	262,8	273,9	34,9	-
Қўштепа	-	9,8	-	2,8
Боғдод	736,2	558,7	1380,4	856,1
Бешариқ	2682	2815,3	565,8	256,6
Бувайда	1694,8	2619,3	1182,9	468,2
Данғара	20604,0	6004,0	46204,8	47471,5
Кува	2010,2	3245,9	66,8	165,0
Риштон	1586,2	280,1	488,2	125,5
Сўх	-	-	-	-
Тошлоқ	18148,5	12919,5	2455,4	1863,1
Ўзбекистон	655,6	183,4	264,0	396,9
Учкўприк	1,5	416,2	191,4	554,6
Фарғона	63,9	54,5	38,6	42,0
Фуркат	260,3	178,1	-	3,0
Ёзёвон	450,5	23392,5	65,8	9701,2
Жисмоний шахслар	1318,9	1269,2	9598,4	1622,5
Бошқа корхоналар	15337,3	23947,8	10297,6	20485,3

**Бошқа хориж мамлакатлари билан
ташқи савдо айланмаси
(минг АҚШ доллариди)**

	Экспорт		Импорт	
	январь-декабрь		январь-декабрь	
	2014 й.	2015 й.	2014 й.	2015 й.
Жами	280373,1	306358,7	245284,5	521752,8
шу жумладан: (мамлакатлар)				
Австрия	51,3	7,6	179,3	7965,5
Афғонистан	8530,1	44065,7	-	-
Бельгия	7869,0	5243,2	1428,2	2551,2
Болгария	401,0	370,7	734,2	91,0
Буюк Британия	865,8	535,3	2952,0	1864,8
Германия	2619,0	1920,2	15283,6	10621,7
Ҳиндистон	9711,7	4005,5	2725,8	6527,1
Испания	1779,5	2057,2	982,1	207,3
Италия	2458,1	4370,5	11504,3	5817,7
Хитой	62733,2	68571,3	81395,2	160701,9
Жанубий Корея Республикаси	3476,5	11614,0	45467,5	104552,9

	Экспорт		Импорт	
	январь-декабрь		январь-декабрь	
	2014 й.	2015 й.	2014 й.	2015 й.
Малайзия	1064,5	512,6	788,3	3145,3
Бирлашган Араб Амирлиги	3513,5	3080,1	1856,8	333,2
Покистан	79,6	4025,0	5,5	18,4
Польша	15035,3	15242,8	970,0	688,5
Тунис	615,2	274,2	-	-
Туркия	60793,3	16310,3	9943,8	11010,3
Франция	1468,6	1,7	2490,0	3061,6
Швейцария	1980,6	-	25915,0	7093,2
Швеция	1,9	85,3	703,1	1175,2
Эстония	0,7	-	770,4	322,4
ЖАР	354,9	36,2	58,2	16,2
Япония	3470,7	516,9	5576,7	85917,4
Бошқа хориж мамлакатлари	91499,1	123512,4	33554,5	108070

Доимий аҳоли сони*)
(2016 йил январь ҳолатига, минг киши)

	Жами аҳоли	шу жумладан:	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
Жами	3505,0	1994,0	1511,0
шаҳарлар			
Фарғона ш.	271,0	271,0	-
Кўкон ш.	239,8	239,8	-
Кувасой ш.	87,5	49,3	38,2
Марғилон ш.	222,0	222,0	-
туманлар:			
Олтиарик	197,7	150,1	47,6
Кўштепа	175,9	70,7	105,2
Боғдод	198,2	102,7	95,5
Бешарик	212,0	74,6	137,4
Бувайда	210,6	106,2	104,4
Данғара	160,9	37,6	123,3
Кува	240,0	111,5	128,5
Риштон	187,4	121,3	66,1
Сўх	72,0	46,2	25,8
Тошлоқ	186,6	44,2	142,4
Ўзбекистон	221,5	96,8	124,7
Учкўприк	210,7	38,2	172,5
Фарғона	199,1	123,6	75,5
Фурқат	109,9	26,1	83,8
Ёзёвон	102,2	62,1	40,1

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари
(январь-декабрь ойларида)
(1000 аҳоли сонига)

	Туғилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2014 й.	2015 й. *)	2014 й.	2015 й. *)	2014 й.	2015 й. *)
Жами	22,5	22,8	5,1	5,1	17,4	17,7
шаҳарлар						
Фарғона ш.	18,0	17,8	5,9	6,4	12,1	11,4
Қўқон ш.	20,8	20,7	6,4	6,1	14,4	14,6
Қувасой ш.	20,0	21,1	4,7	4,8	15,3	16,3
Марғилон ш.	22,5	22,0	5,5	5,6	17,0	16,4
туманлар:						
Олтиарик	22,4	21,2	4,8	4,7	17,6	16,5
Қўштепа	23,1	23,4	5,2	4,8	17,9	18,6
Боғдод	23,9	25,2	5,0	4,7	18,9	20,5
Бешарик	23,0	24,6	4,9	4,7	18,1	19,9
Бувайда	23,6	24,7	4,2	4,2	19,4	20,5
Данғара	23,5	24,9	5,7	5,7	17,8	19,2
Қува	21,8	21,9	4,9	4,7	16,9	17,2
Риштон	22,9	23,1	4,5	4,6	18,4	18,5
Сўх	28,1	25,4	4,0	4,6	24,1	20,8
Тошлоқ	22,8	23,2	4,5	4,8	18,3	18,4
Ўзбекистон	22,9	23,7	5,1	5,1	17,8	18,6
Учкўприк	23,3	24,8	4,8	5,0	18,5	19,8
Фарғона	22,5	22,0	4,9	4,7	17,6	17,3
Фурқат	23,0	24,4	5,5	5,5	17,5	18,9
Ёзёвон	24,1	24,2	4,4	4,3	19,7	19,9

*) дастлабки

Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони
(январь-декабрь ойларида)

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2014 й.	2015 й. *)	2014 й.	2015 й. *)
Жами	32559	30861	2958	3109
шаҳарлар				
Фарғона ш.	1983	2034	461	483
Қўқон ш.	1942	1732	360	333
Қувасой ш.	788	671	100	113
Марғилон ш.	2088	1903	239	237
туманлар:				
Олтиариқ	1623	1561	121	129
Қўштепа	1498	1534	95	120
Боғдод	2000	1881	105	122
Бешариқ	2277	1916	155	198
Бувайда	2028	2003	131	121
Данғара	1493	1656	96	107
Қува	2248	2138	173	206
Риштон	1724	1626	96	112
Сўх	725	569	59	56
Тошлоқ	1737	1712	152	112
Ўзбекистон	2276	2083	190	180
Учкўприқ	2082	1924	123	130
Фарғона	1921	1859	161	189
Фурқат	1140	1138	81	105
Ёзёвон	986	921	60	56

*) дастлабки

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
2015 йил январь-декабрь бет 3

ХУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ - бет 31

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
2015 йил январь-декабрь

Нашрга масъул:
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-ишлари бўлими
тел. 244-38-69

Буюртма рақами № _____ 2016 й.

Тираж 12 нусха

Фарғона вилояти статистика бошқармаси ТМБ
Фарғона ш. Маърифат кўчаси, 22

